

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА МЕТРО ТРАНСПОРТИНИНГ РИВОЖИ ВА УНИНГ ДИЗАЙНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Магистрант САМУГДЖАНОВА М.Л. (ТДТУ)

Мақолада шаҳарлар ривожини учун муҳим аҳамиятга эга бўлган транспорт тизими, яъни метрополитенлар схемасининг қулайликлари, дизайнини каби масалалар Тошкент шаҳри мисолида кўриб чиқилган.

В статье подчеркивается важность городов для развития городского транспорта, а именно столичная схема, пример города Ташкента.

The article emphasizes the importance of cities for the development of urban transport, namely the metropolitan scheme, an example of the city of Tashkent.

Калим сўзлар: транспорт, метрополитен, схема, замонавий, линия, дизайн, қулайлик.

Кўп мамлакатларда метрополитен - бу оддий транспорт воситаси эмас. Бу ерда кўргазмалар зали конкурслар ва фестиваллар ташкил қилинади. Баъзи бекатларда ҳайратда қолдирадиган меъморчилик ва дизайн санъатининг кўриши учун тушишга арзийди.

Metropoliten, metro (yun. metropolis - бош шаҳар, марказ) – кўп сонли йўловчиларни ташишга мўлжалланган рельсли тезюрар электр транспорт тури. Улар ишончли ҳавфсизлик тизимлари билан жиҳозланади. Метрополитен йўллари ер устида, ер сатҳида, ер остида жойлашиши мумкин (1-графикга қаранг).

Метрополитен йўллари шаҳарнинг ривожланиш режалари, йўловчилар оқимларини, турар жой массивлари, ишлаб чиқариш, саидо ва дам олиш марказларининг жойлашуви шунингдек, шаҳар муҳандислик геологик шароитларни инобатга олинади.

Метрополитен ер усти йўллари эстакадалар устидан ўтказилади. Ер юзасида ҳаракатланадиган вагонлар жойнинг рельефи ва шаҳар шаҳар биноларининг жойлашиш шароитларидан келиб чиқиб аниқланадиган

баландликда қатнайди. Бундай йўллар Nyu-York, Chikago, Boston, Filadelfiya (АҚШ), Gamburg (Германия) шаҳарларида XX аср бошларида кўрилган. Аммо кейинчалик шаҳарларнинг ривожланиши туфайли метрополитен асосан, ер остида қуриладиган бўлди [1].

Темир йўл транспортида аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш энг устивор вазифалардан бири ҳисобланади. Йўловчи ташиш борасида янги замонавий технологиялардан фойдаланиш шинам ва қулай поездлар харакатини жорий этиш, жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган вагонларни ишлаб чиқариш бугунги дунё талабларидан биридир.

Чунки транспорт коммуникатив ривожланган давлатгина иқтисодий барқарорликка эришган мамлакат ҳисобланади. Шу боис юртимизда логистика, транспорт тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, темир йўл тармоғида бу йўналишда улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан “Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамияти томонидан йўловчи вагонларини сифатли ва замонавий тарзда таъмирлаш, ҳар томонлама жаҳон стандартларига жавоб берувчи янги вагонларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Шунингдек, бу ерда йўловчи вагонлари тубдан қайта таъмирланади. Ички қисми замонавий дизайни асосида безатилади. Поездда замонавий кўринишни, аввало, унинг аэродинамик, таъсир босим тўлқинлар ва ён шамоллар учун оптималлаштирилган дизайни беради. Барча салонлари юмшоқ, қулай устунли ушлагичлар, шунингдек видео кўриш учун монитор билан жиҳозланган [2].

Поезднинг барча ҳудудлари чекмайдиганлар учун ҳисобланади. Вагонда ногирон инсонлар учун зарур шароитлар яратилган. Поезд ҳудудда полларнинг бир хил баландликда бўлганлиги ногиронлар аравачасини ташишга ёрдам беради.

Йўловчиларга қўшимча қулайликлар яратилади. Маълумки завод 2014 йилда метро вагонларини таъмирлаш бўйича халқаро сертификатга эга

бўлган эди. Бу йўналишида корхона мутахассислари томонидан бир қатор изланишлар олиб борилди.

Жумладан эски электрон вагонлари тубдан таъмирланиб, янги дизайн асосида ўзгача қиёфага олиб келинди. Бунинг натижасида “Тошкент метрополитени” унитар корхонаси замонавий, кенг ва ёруғ метро вагонларига эга бўлди. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, биргина 2018 йилда, темирўлчилар томонидан 6 та метро поезда (24 та вагон) янгидан модернизация қилинди. Энг муҳими яроқлилик муддати тугаган вагонлар умри 15 йилга узайтирилмоқда.

Қувонарлиси, метро вагонларини модернизация қилиш жараёнида ишлатиладиган бутловчи қисмларининг 30–40% ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. “Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамияти томонидан 2014 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда жами 14 та метро поезда яни 56 та вагон модернизация қилинди [2].

Тошкент шаҳрида сўнги йилларда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бугун пойтахтимиз том маънодаги қурилишлар майдонига айланган. Янгидан янги иншоотлар, корхоналар, тиббиёт ва таълим муассасалари, спорт мажмуалари равон йўллар кўприклар, маҳалла гузарлари, бозорлар, боғлар, ҳиёбонлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу борадаги ишлар Президентимиз раҳнамолигида жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишидаги 2-босқич қурилиши ишларини кўздан кечирди. Юртбошимиз бу каби мураккаб жараён нафақат маблағ, балки ақлий меҳнат ва юксак маҳорат чуқур билим ва тафаккур, технологияларини талаб қилишни таъкидлади.

Қурилишга 200 дан ортиқ ишчи ва муҳандис, 40 та техник восита ва механизм жалб этилган. Метро қурилишига Германиядан ер ости тунеллини қазийдиган комплекс, бурғулаш ва темир-бетон қозиқ қоқиш техникаси, шунингдек, GFR ва Хитой кранлари олиб келинган.

Қурилаётган метро участкасининг узунлиги 2,9 километр бўлиб, уни 2019 йилда фойдаланишга топшириш мўлжалланган [1].

Давлатимиз раҳбари метро қурилишида ишлатилаётган энг замонавий техник воситалар билан таништирилди. Шу ернинг ўзида Тошкент шаҳри метрополитенинг ривожлантириш ва кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳам маълумот берилди.


Умуман олганда, замонавий шаҳарларда транспортлар тизимининг қулай тарзда ечилганлиги ушбу шаҳарнинг режавий жиҳатдан мукаммаллигини белгилаб беради. Бугунги кунда шаҳарларда экологик жиҳатдан тоза транспорт воситаси ҳисобланган замонавий метро линияларини барпо этиш долзарб аҳамиятга эга масалалардандир. Ушбу метро линияларида ҳаракатланувчи метро вагонларининг инновацион дизайн ечимини ишлаб чиқиш ҳам муҳим жиҳатлардан ҳисобланади.

1-график



Адабиётлар:

1. www.google.com/search?q=metro+shema+Uzbekistan+2020&oq=metro.
2. <https://uz.m.wikipedia.org/wiki>.



- 1** Чилонзор йўли
- 2** Ўзбекистон йўли
- 3** Юнусобод йўли
- 4** Ҳалқа йўли
- Йўлдан йўлга ўтиш йўли
- Ер устки станциядан чиқиш
- Қурилаётган бўлаги
- Лойihalаштирилаётган бўлаги

- Жанубий вокзал
- Шимолӣй вокзал
- Автобус бекати
- TAS** И.А.Каримов номли аеропорти
- TAS-3** Ички терминал
- Автобус йўналишлари
- Микроавтобуслар ва оддий автобуслар
- Шаҳар атрофидаги электр поездлари
- Ҳалқа йўллари

- Тошкент телеминораси
- Мустақиллик майдони
- Халқлар Дўстлиги майдони
- Амир Темур хўбони
- Жасорат ёдгорлиги
- Кўкалдош мадрасаси
- Хазрати Имом мажмуаси
- Чимёнтоғлари
- Чорбоғ сув омбори

Тошкент шаҳри метро линиялари схемаси